

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**РАСУЛОВ АЗАМАТ ДАВРАНОВИЧ**

**МОШ ДОНИНИ ДАСТЛАБКИ ТОЗАЛАШ МАШИНАСИНИНГ  
ПАРАМЕТРЛАРИ ВА ИШ РЕЖИМЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Расулов Азамат Давранович**

Мош донини дастлабки тозалаш машинасининг параметрлари ва  
иш режимларини асослаш..... 3

**Расулов Азамат Давранович**

Обоснование параметров и режимов работы машины для  
предварительной очистки семян маша..... 19

**Rasulov Azamat Davranovich**

Substantiation of the parameters and operating modes of the machine for the  
preliminary cleaning of mung bean seeds..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works..... 38

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**РАСУЛОВ АЗАМАТ ДАВРАНОВИЧ**

**МОШ ДОНИНИ ДАСТЛАБКИ ТОЗАЛАШ МАШИНАСИНИНГ  
ПАРАМЕТРЛАРИ ВА ИШ РЕЖИМЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Гулбахор – 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Т1471 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzmei.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Астанақулов Комил Дуллиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Норчаев Даврон Рустамович**  
техника фанлари доктори, к.и.х.

**Мамаджанов Султанали Исламалиевич**  
техника фанлари номзоди, к.и.х.

**Етакчи ташкилот:**

**Қишлоқ хўжалиги техника ва технологияларини  
сертификатлаш ва синаш маркази**

Диссертация ҳимояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «16» июн соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+998) 70 601-07-04, факс: (+998) 70 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (449 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+998) 70 601-07-04, факс: (+998) 70 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «04» июн куни тарқатилди.  
(2021 йил «04» июн даги № 11 рақамли реестр баённомаси).



**М.Т.Тошболтаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**А.А.Ибрагимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

**А.Тўхтақўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда мош ҳосилини йиғиштириш ва мош донини бегона қўшилмалардан тозалаш учун энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида 5,3 млн. тонна мош дони етиштирилиши ва йиғиштирилган мош таркибида маълум миқдорда бегона қўшилмалар бўлишини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, етиштирилган мош донини истеъмол қилишдан олдин тозалашда иш жараёнини сифатли амалга оширадиган машиналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан мошни тозалаш учун иш сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда мош донини истеъмол қилишдан олдин унинг таркибидаги бегона қўшилмаларни ажратиб олиш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, мош донини дастлабки тозалаш босқичида – йирик ва майда аралашмалар ҳамда енгил қўшилмалардан тозалашда юқори иш сифатини таъминлаш ҳамда энергия ва ресурсларни тежаш, мош донини дастлабки тозалаш билан бирга уни фракцияларга ажратиб олишни амалга оширадиган энергия-ресурстежамкор машинани ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик жараёни, параметрлари ва иш режимларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда мош етиштиришда меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, йиғиштириш ва донини тозалаб олишда нобудгарчиликни камайтириш имконини берадиган ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, йиғиштирилган мош донини экспорт учун тозалашда нобудгарчиликни камайтирган ҳолда, сифатли тозалаш билан бирга, белгиланган ўлчамлар бўйича ажратишни амалга оширадиган, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашган машиналарни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 7 июлдаги

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/faostat/>; <https://www.zerno-ua.com>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон «Республика хуудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Донни бегона қўшилмалардан тозалаш усуллари ва машиналарини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш билан хорижда N.N.Mohsenin, H.F.Cooper, N.Gohlich (АҚШ), G.C.Loerb (Англия), A.W.Roberts (Германия), T.Satake (Япония), Deok-Soo Kim (Жанубий Корея), N.Singh (Ҳиндистон), И.Е.Кожуховский, П.М.Заика, А.Н.Зюлин, В.И.Оробинский, В.М.Дринча, С.С.Ямпиров, А.В.Зильбернагель, Н.М.Иванов (Россия), С.М.Карташевич (Белоруссия) шуғулланишган. Мош донининг физик-механик хоссаларини аниқлаш ва улар асосида ясси ғалвирли дон тозалаш машиналарини ишлаб чиқиш ва иш сифатини яхшилаш бўйича Н.Unal, P.H.Bakane, H.Canci, T.A.El-Adawy, Y.Tekin ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Донни тозалаш учун цилиндрик ғалвирли дон тозалаш машиналарини яратиш, уларнинг илмий асосларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар В.М.Осецкий, Н.Г.Гладков, Н.И.Стрикунов, В.А.Патрин, А.А.Сухопаров, М.В.Криев, С.Е.Захаров, Z.Krzysiak, J.Paliwal, D.Choszcz, A.Lipinski ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикада донларни тозалаш ва унда қўлланиладиган машиналарнинг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар К.Д.Астанакулов, А.Т.Росабоев, С.М.Мўминов, Ё.З.Каримов, М.Р.Каримов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган машиналар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинаётган бўлсада, аммо мош донини дастлабки тозалаш билан бирга фракцияларга ажратиб берадиган ресурстежамкор машинани ишлаб чиқиш ва ишчи қисмлари параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг № МВ-ҚХ-А-ҚХ-2018-189 «Турли шароитларда сояни агротехника талаблари даражасида экиш ва йиғиштириш учун техника воситаларини мослаштириш ва такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мош донини дастлабки тозалаш босқичида бегона кўшилмалардан кам нобудгарчилик билан фракцияларга ажратган ҳолда сифатли тозалайдиган машинани ишлаб чиқиш ҳамда унинг параметрлари ва иш режимларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

донларни тозалаш ва саралаш технологиялари ва техника воситаларига оид илмий ва техникавий маълумотлар ҳамда шу йўналишда илгари бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлилий тадқиқ этиш;

мош дони ва донли аралашма таркибидаги бегона кўшилмаларнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш;

мош донини фракцияларга ажратиб тозалайдиган машинанинг конструкциясини ишлаб чиқиш;

машина ишчи қисмларининг мақбул параметрлари ва иш режимларини назарий ва тажрибавий асослаш;

машинанинг хўжалик синовларини ўтказиш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мош донини бегона кўшилмалардан фракцияларга ажратиб тозалаш технологик иш жараёни ва уни амалга оширадиган машина олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** мош донини бегона кўшилмалардан фракцияларга ажратиб тозалаш жараёнини ифодалайдиган аналитик боғланишлар ва математик моделлар, қурилманинг параметрлари, иш режимлари ва кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ўзгариш қонуниятлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида математикавий ҳисоблаш қоидалари, назарий механика қонуниятлари, статистик таҳлил усуллари, ғалвирли классификатор билан доннинг тозалик даражасини аниқлаш, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

мош донини бегона кўшилмалардан тозалаб, фракцияларга ажратиш учун ички юзаси винтсимон йўналтиргичли ва уч қисмдан ташкил топган цилиндрик ғалвир кўринишидаги дастлабки тозалаш машинасининг конструкцияси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган машинанинг биринчи ғалвирида мош дони таркибидаги майда аралашмалар, иккинчи ғалвирида майда ва учинчи ғалвирида йирик мош донларини ажратишни ҳисобга олган ҳолда цилиндрик ғалвирнинг параметрлари асосланган;

мош донли аралашмасининг цилиндрик ғалвир ички сирти бўйлаб силжиш жадаллиги ва нурамасдан ҳаракатланиши асосида машина ғалвири ички юзасига ўрнатилган винтсимон йўналтиргич қадами аниқланган;

мош донларининг ғалвир кўзларидан ўтиб, майда ва йирик фракцияларга тўлиқ ажралиш шартидан келиб чиққан ҳолда цилиндрик ғалвир кўзларининг ўлчами ва уларнинг жойлашиш тартиби асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мош донини дастлабки тозалаш ва фракцияларга ажратишни амалга оширадиган цилиндрик ғалвирли ресурстежамкор машина ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган машина мош донини дастлабки тозалашда қўлланилганда дон нобудгарчилигини камайиши ва бир пайтнинг ўзида фракцияларга ажратилиши ҳисобига энергия ва ресурс сарфи камайиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган мош донини тозалаш машинаси синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мош донини дастлабки тозалаш машинаси ишчи қисмларининг талаб даражасидаги иш сифатини таъминлайдиган параметрлари ва иш режимлари асосланганлиги ҳамда олинган математик моделлар ва аналитик боғланишлардан бошқа шунга ўхшаш иш органларини тадқиқ этишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган машинанинг мош донини дастлабки тозалашда энергия ва меҳнат сарфи ҳамда дон нобудгарчилигининг камайиши, фракцияларга ажратиш ҳисобига тозалаш сифатининг яхшиланиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Мош донини дастлабки тозалаш машинасининг параметрлари ва иш режимларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

мош донини дастлабки тозалаш машинасига дастлабки талаблар тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 августдаги 02/023-2611-сон маълумотномаси). Натижада, мош донини дастлабки тозалаш учун иш сифати 1,2 марта юқори, энергия-ресурстежамкор дон тозалаш машинасини ишлаб чиқиш имконияти яратилган;

мош донини дастлабки тозалаш машинаси Тошкент вилоятининг Янгийўл ва Зангиота туманларидаги фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 августдаги 02/023-2611-сон маълумотномаси). Натижада, фойдаланишдаги тўғридан-тўғри харажатлар 1,1 мартагача камайиши ва тозаланган мош донларининг сифатини 15-20 фоизга яхшиланишига эришилган;

мош донини дастлабки тозалаш машинасини ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик хужжатлари (техник топширик) «ВМКВ-Agromash» АЖда лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 августдаги 02/023-2611-сон маълумотномаси). Натижада, мош донларини дастлабки тозалаш учун материалҳажмдорлиги 1,3-1,4 мартага кам, майда ва йирик фракцияларга ажратиб берадиган машинани саноат усулида ишлаб чиқариш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.



**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Масаланинг ҳолати, тадқиқот мақсади ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида мамлакатимизда мош етиштиришнинг бугунги ҳолати, дон тозалаш босқичлари ва жараёнга қўйиладиган талаблар, дон тозалаш ва саралаш усуллари, донларни дастлабки тозалашда қўлланиладиган цилиндрик ғалвирга эга машиналарнинг таҳлили, бундай машиналар бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган.

Диссертациянинг «**Мош донли аралашманинг морфологик таркиби ва физик-механик хоссалари**» деб номланган иккинчи бобида мош донли аралашманинг морфологик таркиби, физик-механик хоссаларини аниқлашга доир тадқиқот натижалари келтирилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ғалла комбайнларида йиғиштирилган мош дони таркибида бегона қўшилмалар миқдори ўртача 13,3-14,5 фоизни, шундан майда аралашмалар 7,4-7,9 фоиз, эзилган, пуч ва синган донлар 1,9-3,4 фоиз, поя бўлаклари 1,6-1,7 фоиз, минерал аралашмалар 1,0-1,1 фоиз, бегона ўт уруғлари 0,8-1,0 фоизни ташкил этади. Мош донининг узунлиги 4,58-6,29 mm, эни 3,76-4,29 mm, қалинлиги 3,46-3,99 mm атрофида. Мош донининг ишқаланиш бурчаги ўртача 22°36' га тенг бўлиб, унга яқин бўлган ишқаланиш бурчагига бегона ўт уруғлари эга ва у 25°42' га тенг. Минерал аралашмалар ва поя бўлакларининг ишқаланиш бурчаклари эса мос равишда 28°24' ва 31°36' ни ташкил этди. Шунингдек, мош донли аралашманинг зичлиги 648,7-778,4 g/dm<sup>3</sup> га тенг. Донлар бегона қўшилмалардан тозаланса унинг зичлиги ўртача 100 g/dm<sup>3</sup> гача ортади, 1 kg дон эгаллайдиган жой ҳажми 25 фоизга қисқаради, бу эса донларни бир жойдан бошқа жойга ташиш, омборларда сақлаш жараёнларини енгиллаштиради.

Диссертациянинг «Мош донини дастлабки тозалаш машинаси ишчи қисмларининг параметрлари ва иш режимларини назарий тадқиқ этиш» деб номланган учинчи бобида мош донини дастлабки тозалаш машинасининг конструкцияси ва технологик схемаси ишлаб чиқилган, параметр ва иш режимларини назарий асослашга доир изланишларнинг натижалари ёритилган (1-расм).




1-бункер; 2-тасмали узатма; 3-редуктор; 4-электродвигатель; 5-рама; 6-ғалвир кўзини тозаловчи чўтка; 7-винтсимон йўналтиргич; 8-цилиндрик ғалвир; 9-йирик кўшилмалар тушадиган нов; 10-йирик донлар тушадиган нов; 11-майда донлар тушадиган нов; 12-майда кўшилмалар тушадиган нов; 13-таянч; 14-цилиндрик ғалвир горизонталлигини белгиловчи адилак; 15-ғалвир қиялигини созловчи винт; 16-донли аралашмани ғалвирга узатувчи қувур; 17-миқдорлаш тўсиғи  
I, II, III ва IV ажратилган фракциялар учун идишлар

**1-расм. Мош донини фракцияларга ажратиб тозалайдиган машинанинг технологик схемаси**

Цилиндрик ғалвир кўзларининг шакли ва ўлчамлари турлича бўлган учта цилиндрлик ғалвир йиғиндисидан иборат. Ғалвирнинг бункер жойлашган томонидаги биринчи қисми ўлчами 2,5x20 mm бўлган чўзинчок шаклли кўзларга эга. Бу қисмда донли аралашма таркибидаги майда кўшилмалар, эзилган, синган ва пуч донлар ғалвир кўзидан ўтиб, майда кўшилмалар тушадиган нов 12 орқали идиш I га йиғилади. Ғалвир кўзидан ўтмай қолган дон ва йирик кўшилмалар винтсимон йўналтиргич 7 таъсири остида ўнг томонга сурилади ва ғалвирнинг иккинчи (ўрта) қисмида эланади. Ғалвирнинг бу қисми диаметри 3,8 mm бўлган юмалок кўзли тешиқларга эга бўлиб, эни 3,5 mm гача бўлган донларни ажратиб олади. Ажралган донлар нов 11 орқали идиш II га йиғилади. Ўлчами 3,5 mm дан катта бўлган дон ва йирик кўшилмалар цилиндрлик ғалвирнинг учинчи (чекка) қисмига ўтади ва эланишда давом этади. Ушбу қисмдаги юмалок кўзларнинг ўлчами 5,5 mm. Донлар бу кўзлардан ўтиб, нов 10 орқали йирик донларга мўлжалланган идиш III га йиғилади. Ғалвир кўзидан ўтмай қолган йирик кўшилмалар цилиндрлик ғалвирнинг охирида нов 9 орқали йирик кўшилмалар йиғиладиган идиш IV га келиб тушади.

Машина таянчлар 13 ёрдамида иш ҳолатига келтирилади. Цилиндрик ғалвирнинг қиялиги винтли кўтаргич 15 ёрдамида ростланади, горизонталлиги эса рамага ўрнатилган адилак 14 ёрдамида назорат қилинади. Таянчлар 13 кўтариб қўйилса, машина ғилдиракларга таяниб, транспорт ҳолатига ўтади.

**Цилиндрик ғалвирнинг айланма ҳаракатида мош донли аралашманинг ҳаракат режими.** Цилиндрик ғалвирда мош дони ва унинг таркибидаги бегона қўшилмаларнинг ажралиши донли аралашманинг ғалвир ичидаги айланма ҳаракатининг режимларига боғлиқ (2-расм).



а) нураш билан ҳаракатланиш; б) айланма ҳаракатланиш

**2-расм. Мош донли аралашманинг цилиндрлик ғалвирдаги ҳаракати схемалари (В.Ф.Першин бўйича)**

Ғалвирнинг бурчак тезлиги  $(0,1-0,6) \omega_{кр}$  га тенг бўлганда, ҳаракат режими барқарор намоён бўлади ( $\omega_{кр}$  – ғалвирнинг критик бурчак тезлиги бўлиб, бунда донли аралашма ғалвир билан бирга ҳаракатланади).  $\omega_{кр}$  нинг қийматини аниқлаш учун цилиндрлик ғалвир ички сиртининг кўндаланг кесими бўйича  $M$  нуқтасидаги  $m$  массали донли аралашма заррасининг мувозанат шартини кўриб чиқамиз (2-расм, б):

$$mg - m\omega_{кр}^2 R = 0 \quad \text{ёки} \quad \omega_{кр} = \sqrt{\frac{g}{R}}. \quad (1)$$


Ушбу ифодага кўра, агар ғалвирнинг радиуси  $R = 0,3 \text{ m}$  бўлса, у ҳолда  $\omega_{кр} = 5,7 \text{ rad/s}$  ёки  $n_{кр} = 55 \text{ r/min}$  га тенг бўлади. Демак, цилиндрлик ғалвирнинг айланишлар сони  $n = (0,1-0,6) n_{кр} = (0,1-0,6) 55 \text{ r/min}$  ёки  $n = 5,5-33 \text{ r/min}$  оралиғида бўлганда, унинг ичидаги мош донли аралашмасининг ҳаракати айланма ҳаракат кўринишида бўлади.

**Донли аралашмани ғалвирга узатиш миқдорига қараб унинг тўлиш коэффициентини аниқлаш.** Цилиндрнинг бир айланишида унинг ичига ўрнатилган винтсимон йўналтиргичнинг қўшни парраклари орасига жойлашадиган донли аралашманинг кўндаланг кесим юзасига боғлиқ бўлган ғалвирнинг тўлиш коэффициентини қуйидаги ифода ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$q = \frac{2Q}{\omega R^2 \rho s_e} = \frac{60Q}{\pi R^2 \rho n s_e}, \quad (2)$$


бунда  $Q$  – ғалвирга узатилаётган донли аралашма миқдори,  $\text{kg/s}$ ;  $\rho$  – мош донли аралашманинг зичлиги,  $\text{kg/m}^3$ ;  $s_e$  – винтсимон йўналтиргич қадами,  $\text{m}$ .

$Q = 1/6 \text{ kg/s}$ ;  $R = 0,3 \text{ m}$ ;  $\rho = 650 \text{ kg/m}^3$  бўлганда ғалвирнинг тўлиш коэффициентини ( $q$ ) ни  $n$  (3, а-расм) ва  $s_e$  (3, б-расм) параметрларга боғлиқ равишда ўзгариш графиклари курилди.



1)  $s_e = 0,1 \text{ m}$ ; 2)  $s_e = 0,15 \text{ m}$ ; 3)  $s_e = 0,2 \text{ m}$ .

а)




1)  $n = 5 \text{ r/min}$ ; 2)  $n = 10 \text{ r/min}$ ;  
3)  $n = 15 \text{ r/min}$ ; 4)  $n = 20 \text{ r/min}$ .

б)


3-расм. Ғалвирни тўлиш коэффициентига цилиндрнинг айланишлар сони ( $n$ ) ва винтсимон йўналтиргич қадами ( $s_e$ ) нинг таъсири

Графиклардан кўринадикки, айланишлар сони ва винт қадамининг ўлчами ортиши тўлиш коэффициентининг камайишига олиб келади.

**Цилиндрик ғалвирда донли аралашмани эниб тушаётган қатламнинг ҳаракати.** Ғалвир сиртидан эниб тушаётган аралашманинг АОБА қатлами окимининг тенгламалари (4-5-расмлар):



4-расм. Донли аралашмани эниб тушаётган қатламнинг схемаси



5-расм. Донли аралашмани эниб тушаётган қатламнинг юқори қисмининг схемаси

– тўғри чизикли  $AO$  участка учун:


$$J(x) = \frac{\omega}{2} (R^2 \sin^2 \delta_1 - x^2); \quad (3)$$

– эгри чизикли  $OB$  участка учун:

$$J(x) = \frac{\omega R^2 \sin^2 \delta_1}{2x_B^2} (x_B^2 - x^2). \quad (4)$$

$R = 0,3 \text{ m}$ ;  $\omega = 1,05 \text{ rad/s}$ ;  $\delta_l = 15,7^\circ$ ;  $x_B = 0,205 \text{ m}$  ва  $x$  нинг жорий қийматларида  $y = J(x)$  нинг ўзгариш графиги олинди (5-расмга қаранг). Графикдан кўришиб турибдики, эниб тушаётган қатламнинг қалинлиги ҳаракат давомида кичиклашиб бормоқда яъни майда қўшилмалар аралашманинг четига чиқиб, эланиш ҳолатига келади ва эланади.

**Мош донли аралашманинг цилиндрик ғалвирдаги бўйлама ҳаракати.** Донли аралашманинг бўйлама кесимдаги ҳаракатини бевосита цилиндр юзасида жойлашган пастки ва аралашмани юқори қисмида жойлашган устки қатламларга ажратиш мумкин. Ғалвирдаги донли аралашманинг  $K$  ва  $U$  нуқталарига мос келувчи қатламлари ҳаракатини қуйидаги тенгламалар орқали ифодалаш мумкин (6-расм):



6-расм. Мош донли аралашмани цилиндр бўйлама кесимдаги ҳаракатининг схемаси

–  $K$  нуқтадан ўтувчи пастки қатлам учун:

$$m\ddot{p} = mgsin\alpha - F_{uu}$$

ёки

$$m\ddot{p} = mgsin\alpha - fN, \tag{5}$$

бунда  $N = mgcos\alpha cos\beta + m\omega^2 R$  – нормал реакция кучи;

(5) ифоданинг интеграл:

$$\dot{p} = \sqrt{v_s^2 + 2p[g sin\alpha - f(g cos\alpha cos\beta + \omega^2 R)]}. \tag{6}$$

Бундан кўришиб турибдики, донли аралашманинг цилиндрик ғалвир ички сиртида жойлашган пастки қатламнинг тезлиги текис секинланувчан бўлиб, винтсимон йўналтиргич тезлигидан нолгача ораликда ўзгаради.

–  $U$  нуқтадан ўтувчи устки қатлам учун:

$$m\ddot{p} = mgsin\alpha_\delta - F_{uu}^t$$

ёки

$$m\ddot{p} = mgsin\alpha_\delta - f_t N, \tag{7}$$

(7) ифодани интеграл:

$$\dot{p} = \sqrt{v_\delta^2 + 2p(g sin\alpha_\delta - f_t g cos\alpha_\delta cos\beta_1)}. \tag{8}$$

Устки ва пастки қатламлар орасидаги ҳаракат пропорционал равишда чизиқли ўзгаради деб фараз қиладиган бўлсак, у ҳолда бўйлама кесимдаги зарраларнинг ўртача  $\dot{p}_{\text{ўр}}$  тезлиги винтсимон йўналтиргични бўйлама тезлиги  $v_e$  га тенг бўлади.

Агар цилиндр қиялик бурчаги  $\alpha$  нолга тенг ёки манфий бўлса, донли аралашманинг бўйлама кесимдаги қиялик бурчаги  $\alpha_6$  шунчалик катта бўладики, бу ҳол донли аралашманинг винт олдида тўпланиши ҳодисасига мос келади. Агар  $\alpha > 8-10^\circ$  ёки  $\alpha_6$  бурчак  $\alpha$  дан кичик, яъни  $\alpha_6 < \alpha$  бўлса, донли аралашма цилиндр сирти бўйлаб текис тарқалмасдан винт орқасига тўпланади. Бу икки ҳолат эланиш жараёнининг ёмонлашишига олиб келади. Шундан келиб чиқиб,  $\alpha = 2-6^\circ$  атрофида ҳамда донли аралашманинг бўйлама кесимдаги қиялик бурчаги  $\alpha_6$  цилиндр қиялик бурчаги  $\alpha$  дан сал каттароқ этиб танланганда, донли аралашма винтлар оралиғида текис тақсимланиб, уни эланиш даражаси ортади.

**Цилиндрик ғалвирнинг айланишлар сони ( $n$ ) ҳамда винтсимон йўналтиргич қадами ( $s_e$ ) нинг чегаравий қийматлари** донни ғалвир кўзидан ўтиш шартидан аниқланди:

$$s_e \geq \pi \left( D - \frac{b}{2} \right) \sqrt{\frac{2R}{b}}; \quad (9)$$

$$n \leq \frac{30}{\pi} \sqrt{\frac{g \cos \alpha}{\frac{s_e^2 b}{2\pi^2 \left( D - \frac{b}{2} \right)^2} - R}}; \quad (10)$$

бунда  $D$  – ғалвир кўзининг диаметри;  $b$  – мош дони энининг ўлчами;  $\alpha$  – ғалвирнинг қиялик (горизонтга нисбатан ўрнатилиш) бурчаги.

$R = 0,3$  m;  $D = 0,0055$  m;  $b = 0,005$  m;  $\alpha = 8^\circ$  да (5) ва (6) дан  $s_e \geq 10$  см ва  $n \leq 17,5$  r/min натижаларни оламиз.

Диссертациянинг «**Мош донини дастлабки тозалаш машинасини тажрибавий тадқиқ этиш**» деб номланган тўртинчи бобида мазкур машинанинг параметрлари ва иш режимининг мақбул қийматларини асослаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

**Ғалвир кўзининг тури ва ўлчамини танлаш.** Дон тозалиги ва унинг нобудгарчилиги кўп жиҳатдан ғалвир тури ва кўзларининг ўлчамига боғлиқ бўлади. Тажрибаларда мош дони ва унинг таркибидаги майда ва йирик аралашмаларни ўлчамидан келиб чиқиб, майда аралашмаларни ажратиш олиш учун кўзининг шакли тўртбурчак чўзинчоқ ва ўлчами 2,5x20 mm бўлган биринчи ғалвир, ўлчами 3,5 mm гача бўлган фракциядаги майда мош донларини ажратиш учун юмалоқ кўзли, диаметри 3,8 mm бўлган иккинчи ғалвир ҳамда ўлчами 3,5 mm дан катта бўлган йирик фракциядаги мош донларини ажратиш учун юмалоқ кўзли ва диаметри 5,5 mm бўлган учинчи ғалвир танланди ва улар текшириб кўрилди.

**Цилиндрик ғалвирда майда қўшилмаларни ажралиш даражасига ишчи қисмлар параметрларининг таъсири.** Мош дони таркибидаги майда қўшилмаларни ажратиш учун кўзининг шакли тўртбурчак чўзинчок, ўлчами 2,5x20 mm бўлган ғалвир макбул эканлиги аниқлангач, унинг айланишлар сони ва қиялиги ҳамда винтсимон йўналтиргич қадамани майда аралашмаларнинг ажралиш тўлиқлигига таъсири ўрганилди. Винтсимон йўналтиргичнинг қадами 10 см этиб ўрнатилиб, ғалвирнинг айланишлар сонини 5-20 г/мин, қиялигини 0-8 градус оралиқларда ўзгартиб ўрганилганда, бу параметрлар қийматларини ортиши билан майда қўшилмаларни ажралиш даражаси дастлаб ортиши, сўнгра камайиши маълум бўлди. Жумладан, ғалвирнинг горизонтал ҳолатида (қиялиги 0 градус) унинг айланишлар сони 15 г/мин гача ортганда, майда аралашмаларнинг ажралиш даражаси 60,4 фоиздан 87,3 фоизгача кўпайди, 20 г/мин га етганда пасайди ва 51,7 фоизни ташкил этди.

Эни 3,5 mm гача бўлган ўлчамдаги майда мош донларини ажратиб олиш учун кўзларининг ўлчами 3,5 mm бўлган юмалоқ кўзли ғалвир танланди. Тажрибаларда винтсимон йўналтиргич қадами 10 см бўлиб, ғалвирнинг айланишлар сони 5 г/мин дан 10 г/мин га оширилганда, донларнинг ажралиши 75,4 фоиздан 88,3 фоизга кўпайди, айланишлар сони 20 г/мин бўлганда майда ўлчамдаги мош донларининг ажралиши 53,8 фоизгача пасайиб кетди.

Мош таркибидаги йирик донлар ва йирик аралашмаларни бир-биридан ажратиш учун тешиклари диаметри 5,5 mm бўлган юмалоқ кўзли ғалвир танлаб олинди. Мазкур ғалвирни майда аралашма ва донларни ажратадиган ғалвирлар билан уйғунлашган ҳолда ишлашини ҳисобга олиб, винтсимон йўналтиргич қадами 10, 15 ва 20 см, ғалвирнинг айланишлар сони 5, 10, 15, 20 г/мин ва унинг қиялик бурчаги 0°, 2°, 4°, 6° ва 8° ларда тажрибалар ўтказилди.

Мош донли аралашма таркибидаги йирик ўлчамдаги донларнинг ғалвирда ажралмасдан, чиқитга чиқиб кетиб нобуд бўлиши винтсимон йўналтиргич қадами 10 см бўлганда ва ғалвирнинг 5, 10 ва 15 г/мин айланишлар сонисида унинг қиялик бурчаги ўзгаришига қарамасдан 0,07-0,37 % оралиғида рўй берди. Ғалвир айланишлар сони 10 г/мин, қиялиги 8° бўлганда нобудгарчилик 1,07 %, 15 г/мин, 6 ва 8° бўлганда эса мос равишда, 2,07 ва 3,42 % га тенг бўлди.

Ғалвирнинг айланишлар сони 20 г/мин гача катталашганда мош дони таркибидаги йирик ўлчамдаги донларнинг чиқитга чиқиб, нобуд бўлиши жуда юқори бўлди ва 17,3 % гача бориб етди.

Винтсимон йўналтиргич қадами 15 см бўлганда ҳам йўналтиргич қадами 10 см бўлгандаги каби қонуният кузатилди: ғалвирнинг 5, 10 ва 15 г/мин айланишлар сонисида нобудгарчилик нисбатан камайиб, 20 г/мин айланишлар сонисида анча юқори бўлди.

Винтсимон йўналтиргичнинг қадами 20 см бўлганда ғалвирнинг айланишлар сони 10-15 г/мин ва қиялик бурчаги 2-4° оралиғида ётса, йирик ўлчамдаги мош донларининг нобудгарчилиги энг паст, яъни 0-0,08 % оралиғида ўзгаради.

Ўтказилган тажрибалар натижалари цилиндрик ғалвирда мош таркибидаги йирик ўлчамдаги донларни ажралиши ғалвирнинг айланишлар сони 10 г/мин,

қиялик бурчаги  $0-4^\circ$  бўлганда юқори бўлиши ва дон нобудгарчилиги кам  $0-0,05$  фоиз бўлишини кўрсатди.

**Машина ишчи қисмларининг мақбул параметр ва иш режимларини аниқлаш.** Машина мақбул параметрларини аниқлаш учун ВЗ режаси бўйича цилиндрик ғалвирининг айланишлар сони  $5 \text{ r/min}$  дан  $15 \text{ r/min}$  гача, ғалвир қиялик бурчагини  $2^\circ$  дан  $6^\circ$  гача ҳамда винтсимон йўналтиргичи қадамини  $10 \text{ cm}$  дан  $20 \text{ cm}$  гача ораликда ўзгартириб кўп омилли тажрибалар ўтказилди.

Баҳолаш мезонлари сифатида майда кўшилмаларнинг ажралиш тўлиқлиги, майда ва йирик донларнинг ажралиш тўлиқликлари қабул қилинди.

Тажрибаларда олинган натижалар бўйича мезонларни адекват ифодаловчи ушбу регрессия тенгламалари олинди:

- майда кўшилмаларнинг ажралиш тўлиқлиги бўйича, %

$$M_{A.T.} = 90,013 + 6,077 X_1 - 1,340 X_2 + 11,387 X_3 - 18,409 X_1^2 + 2,446 X_1 X_3 - 0,992 X_3^2; \quad (11)$$

- майда донларнинг ажралиш тўлиқлиги бўйича, %

$$D_m = 94,217 + 0,957 X_1 - 1,683 X_2 + 8,993 X_3 - 22,300 X_1^2 + 0,571 X_1 X_2 + 5,029 X_1 X_3 + 0,788 X_2 X_3 - 4,817 X_3^2; \quad (12)$$


- йирик донларнинг ажралиш тўлиқлиги бўйича, %

$$D_i = 99,892 + 2,423 X_1 - 0,387 X_2 + 0,883 X_3 - 4,408 X_1^2 + 0,217 X_1 X_2 - 1,792 X_1 X_3 - 0,492 X_2^2 - 0,608 X_3^2. \quad (13)$$

Кўп омилли тажрибалар натижаларига кўра мош донини тозалаш билан бирга уларни фракцияларга ажратиб кетадиган машинада цилиндрик ғалвирнинг мақбул параметрлари – айланишлар сони  $n = 10 \text{ r/min}$ , қиялик бурчаги  $\alpha = 2^\circ$ , винтсимон йўналтиргич қадами  $s_g = 20 \text{ cm}$  – аниқланди.

Дон тозалаш машинаси ушбу мақбул параметр ва иш режимларида мош дони таркибидаги майда аралашмаларни ажратиш тўлиқлигини  $98,1$  фоиз, майда мош донларини ажратиш тўлиқлигини  $98,7$  фоиз ва йирик мош донлари  $100$  фоиз ажратилишини таъминлайди.

**Цилиндрик ғалвирли дон тозалаш машинаси томонидан талаб этиладиган қувватни аниқлаш.** Тензометрия усули билан машинанинг салт ҳолатда ва иш жараёнида талаб этадиган қувватлари аниқланди (7-расм).



7-расм. Машина талаб этадиган қувват



Графиклардан кўриниб турибдики, машина салт ишлаганда ғалвирнинг айланишлар сони 5 г/мин дан 20 г/мин гача ўзгарганда сарфланаётган қувват 0,23 kW дан 1,19 kW гача ортган бўлса, ғалвирнинг худди шу айланишлар сониди бу кўрсаткичлар 0,57 kW ва 1,29 kW ни ташкил этди.

Диссертациянинг «**Машинанинг хўжалик синов натижалари ва унинг техник-иктисодий кўрсаткичлари**» деб номланган бешинчи бобида дон тозалаш машинасининг асосий параметрлари ва техник тавсифлари, хўжалик синовлари натижалари ва иктисодий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган.

Тавсия этилаётган параметрлар асосида ишлаб чиқилган машинадан мош донини тозалашда фойдаланганда мавжуд MPS-300 машинасига нисбатан кам нобудгарчилик ва сарф-харажатлар эвазига эксплуатацион харажатлар 2,6 мартага камайди, йиллик иктисодий самара 5499515,0 сўмни ташкил этди.

## ХУЛОСА

«Мош донини дастлабки тозалаш машинасининг параметрлари ва иш режимларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўзбекистонда мош асосий истеъмол қилинадиган ва экспортбоп маҳсулотлардан бири ҳисобланади ва етиштирилган мош ҳосилини бозор талабларига жавоб берадиган даражада сифатли тозалаб, тайёр товар кўринишига келтириш долзарб вазифа бўлиб, уни бажаришда конструктив параметрлари ва иш режимлари илмий жиҳатдан асосланган машина ҳамда қурилмалардан фойдаланиш қутилган самарани беради.

2. Мавжуд текис ғалвирли дон тозалаш машиналари донларни тозалаш жараёнини талаб даражасида амалга оширсада, мош донларини фракцияга ажратишни таъминлай олмайди, чунки бундай ғалвир сиртидаги аралашма фақат тебранади, циркуляр ҳаракат қилмайди ва бу мош донли аралашмани тозалашда турли шаклдаги ва ўлчамдаги кўзларга эга бўлган цилиндрик ғалвирлардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

3. Комбайнларда янчиб олинган донли аралашма таркибида тоза мош дони ўртача 85,5-86,7 фоиз, эзилган, пуч ва синган донлар 1,9-3,4 фоиз, поя бўлаклари 1,6-1,7 фоиз, минерал аралашмалар 1,0-1,1 фоиз, майда аралашмалар 7,4-7,9 фоиз, бегона ўт уруғлари 0,8-1,0 фоиз атрофида бўлиб, мош донининг ўлчамлари навига кўра бир-биридан фарқ қилади ва энг йирик донлар “Турон” навида бўлиб, дон узунлиги ўртача 5,62 mm, эни 4,16 mm ва қалинлиги 3,99 mm ни ташкил этгани ҳолда мош донини фракцияларга ажратиб тозалашда асосий ўлчами сифатида дон энини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

4. Мош донини майда аралашмалардан ажратиб олиш учун ўлчами 2,5x20 mm бўлган тўртбурчак чўзинчоқ кўзли ғалвир, мош донларини саралаш учун эса диаметри 3,8 ва 5,5 mm бўлган юмалоқ кўзли ғалвирлардан фойдаланиш тавсия этилади ва бунда цилиндрик ғалвирнинг айланишлар сони 10 г/мин, қиялиги 2 градус, винтсимон йўналтиргичнинг қадами 20 см га тенг бўлиши мақбул ҳисобланади.

5. Мош донини тозалайдиган цилиндрик ғалвирли машинанинг мақбул параметрлари ва иш режимларида энергия сарфи салт ишлаганда 0,54 kW ни, иш жараёнида эса 1,1 kW ни ташкил қилади.

6. Параметрлари ва режимлари асосланган янги дон тозалаш машинаси иш сифат ва техник-эксплуатацион кўрсаткичларни белгиланган талаблар даражасида бажарилишини таъминлаган ҳолда битта машинадан бир йилда 5 499 515,0 сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 05/13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**РАСУЛОВ АЗАМАТ ДАВРАНОВИЧ**

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ И РЕЖИМОВ РАБОТЫ МАШИНЫ  
ДЛЯ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОЙ ОЧИСТКИ СЕМЯН МАША**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация  
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.4.PhD/T1471.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: [www.uzmei.uz](http://www.uzmei.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Астанакулов Комил Дуллиевич  
доктор технических наук, профессор :

**Официальные оппоненты:** Норчаев Даврон Рустамович  
доктор технических наук, с.н.с.

Мамаджанов Султанали Исламаливич  
кандидат технических наук, с.н.с.

**Ведущая организация:** Центр по сертификации и испытанию  
сельскохозяйственной техники и технологий


Защита диссертации состоится «16» июнь 2021 г. в 15<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.05/13.05.2020.T.112.01 при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.:(+998)70-601-07-04, факс:(+998)70-601-07-04, e-mail: [qabulxona@uzmei.uz](mailto:qabulxona@uzmei.uz)).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 449). Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.:(+998)70-601-07-04, факс: (+998)70-601-07-04, e-mail: [qabulxona@uzmei.uz](mailto:qabulxona@uzmei.uz).

Автореферат диссертации разослан «04» июнь 2021 года  
(Протокол рассылки № 11 от «04» июнь 2021 года)



  
**М.Т.Тошболтаев**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., профессор

  
**А.А.Ибрагимов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., с.н.с.

  
**А.Тухтакузиёв**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире ведущее место занимает производства и применение энерго-ресурсосберегающих технологий и технических средств для уборки и очистки зерна масса от сорных примесей. «Если учесть, что в мире выращивается 5,3 млн. тонн масса и в составе собранного зерна масса неизбежно бывают сорные примеси»<sup>1</sup>, то очистка зерна масса перед употреблением требует внедрение в практику машин, качественно осуществляющие процесс работы. В этом аспекте имеет особое значение использование энерго-ресурсосберегающих технических средств и устройств с высокими качествами работы для очистки зерна масса.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических решений ресурсосберегающих технологий и технических средств для выделения сорных примесей из состава зерна масса перед его употреблением. В этом направлении, в частности, при предварительной очистке зерна масса – особое внимание уделяется на исследования по повышению качества работы, а также сбережение энергии и ресурсов при очистке зерна масса от крупных и мелких, а также легких сорных примесей, разработки энерго-ресурсосберегающей машины для предварительной очистки зерна масса с одновременным их фракционированием.

В республике проводятся широкомасштабные мероприятия по уменьшению затрат труда и энергии, сбережению ресурсов при очистке зерна масса и разработке ресурсосберегающей техники и технологий с меньшей потерей зерна и в определенной степени достигается на положительные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы намечены особые задачи, в частности, «...углубление структурных реформ и динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора...»<sup>2</sup>. При реализации этих задач особое значение имеет создание технико-технологических модернизированных машин, вместе с осуществлением качественной очистки зерна масса и разделением их по размеру зерен.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлениях ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах дальнейшего развития научно-технической базы машино-строительной отрасли в сельском хозяйстве», ПП-4410 от 31 июля 2020 года «О мерах по ускоренному развитию сельскохозяйственного машиностроения, государственной поддержке обеспечения аграрного сектора сельскохозяйственной техникой», ПП-4709 от 11 мая 2020 года

---

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/faostat/>; <https://www.zerno-ua.com>.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

«О дополнительных мерах по специализации регионов республики на производстве сельскохозяйственной продукции», а также в других нормативно-правовых документах принятых в данной сфере.

